

«ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг
2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомасига
2-сонли илова

**«ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2015 йил 11 майдаги баённомаси билан
тасдиқланган «Биржа листингини ўтказиш тартиби»га
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг саккизинчи хатбошиси «аризачи» сўзидан кейин «(ишлаб чиқарувчи, товар эгаси)» сўzlари билан тўлдирилсин.

2. 6-банд:

иккинчи хатбошида «Комиссиянинг махсус электрон почтаси (listing@rtsb.uz)» сўzlарини «шахсий кабинет орқали Листинг комиссияси модули»; қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тақдим этилаётган, олинаётган ва сақланаётган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг ишончли эканлигига, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавобгарлик аризачи зиммасига юкланади, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса».

3. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Товарни биржа савдосига қўйиш ҳақидаги қарор комиссия модулида онлайн овоз бериш орқали қабул қилинади, унинг натижаларига кўра электрон модулда 2-сонли иловага мувофиқ шаклдаги такрорланмас идентификация коди бериладиган намунавий биржа контрактининг спецификацияси шакллантирилади».

4. 9-банддаги «7 иш куни» сўzlари «5 иш куни» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. 10 ва 12-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 14-банддаги «3 ой» сўzlари «бир ой» сўzlари билан алмаштирилсин.

7. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Листинг натижалари бўйича Листинг комиссияси модулида битимни тузишнинг барча энг муҳим шартларини кўзда тутувчи намунавий биржа контрактининг спецификацияси шакллантирилади».

8. 18-банддаги «ва корпоратив чатда эълон тарзида йўналтирилади» сўzlари олиб ташлансин.

